



## XXI АСРДА ГЕОПОЛИТИК РАҚОБАТНИНГ КЕСКИНЛАШИШИ ВА ТАРҒИБОТ ХАРАКТЕРИДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

*Рустамов Рамз Ризоқулович,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти*

**Аннотация:** Муаллиф мазкур мақолада янги аср бошларига келиб, иқтисодиёт ва тарғибот уйғунлашиб кетганлиги, тарғибот геополитик кучларнинг жаҳон иқтисодий саҳнидаги позицияларини асослаб беришга, улар учун мақбул бўлган иқтисодий муносабатларни улуғлашга хизмат қилувчи воситага айланиб бораётганлигини тадқиқ қилган.

**Калим сўзлар:** тарғибот, замонавий тарғибот, геополитик кучлар, иқтисодий соҳадаги геополитик рақобат, сиёсий соҳадаги геополитик рақобат, ижтимоий соҳадаги геополитик рақобат.

**Аннотация:** В данной статье автор исследует тот факт, что в начале нового века экономика и пропаганда слились воедино, пропаганда становится инструментом для обоснования позиции геополитических сил на мировой экономической арене, для прославления экономических отношений приемлемых им.

**Ключевые слова:** пропаганда, современная пропаганда, геополитические силы, геополитическая конкуренция в экономической сфере, геополитическая конкуренция в политической сфере, геополитическая конкуренция в социальной сфере.

**Abstract:** In this article, the author explores the fact that at the beginning of the new century, the economy and propaganda merged together, propaganda becomes a tool to justify the position of geopolitical forces in the world economic arena, to glorify economic relations acceptable to them.

**Key words:** propaganda, modern propaganda, geopolitical forces, geopolitical competition in the economic sphere, geopolitical competition in the political sphere, geopolitical competition in the social sphere.

Ҳозирги даврда тарғибот системасидаги ўзгаришлар қатор ижтимоий жараёнлар, тенденциялар, омиллар таъсирида содир бўлди. Улар орасида айниқса бугунги кунга келиб ниҳоятда кескинлашиб кетган геополитик рақобат ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, тарғибот системаларидаги ўзгаришларни тўлиқ тадқиқ қилиш учун геополитик кучлар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашишига олиб келган сабаблар, унинг оқибатлари ва бугунги кунда замонавий тарғибот системаларидан геополитик кучлар қандай мақсадларда фойдаланаётганлиги ўрганилмоғи лозим.

Аввало геополитик кучлар нима? Геополитик кучлар деганда жаҳонда кечаётган жараёнларга таъсир кўрсатишга, уларни ўз манфаатлари сари буриб юборишга, турли минтақалардаги мавқеини оширишга уринган куч марказлари назарда тутилади. Бундай кучлар кишилиқ жамияти тараққиётининг барча даврларида мавжуд бўлган. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, инсоният тарихи турли геополитик кучлар ҳукм сурган геополитик даврларнинг изчил алмашинуви жараёнидир. Барча даврларда геополитик кучлар “дунёни бўлиб олишга”, ўз таъсирлари остида турган минтақаларни аниқ белгилаб олишга, турли минтақаларда ўз тараққиёт моделлари ва кадриятлари системасини тарғиб қилишга уриниб келдилар.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида жаҳондаги геополитик вазият яна ўзгарди. Европа Иттифоқининг қарор топиши, СССРнинг емирилиши, Хитойдаги ижтимоий тараққиёт характерининг ўзгариши ва шу каби қатор воқеалар таъсирида геополитик кучларнинг янги конфигурацияси юзага келди. Бугунги кунда уч асосий геополитик блок фаолиятининг фаоллашгани кўзга ташланади:

- а) АҚШ ва Буюк Британия;
- б) Европа Иттифоқи;
- в) Россия-Хитой иттифоқчилиги.

Мазкур геополитик кучларнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиб қолмоқда:

- а) жаҳондаги жараёнларни ўз манфаатларига мос равишда ўзгартириш ва қулай вазиятни





юзага келтириш;

б) бошқа геополитик кучлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини назорат остида сақлаш.

Геополитик блокларнинг манфаатлари тўқнашиб қолган минтақаларда иқтисодий тараққиёт суръатлари пасаймоқда, ижтимоий вазият издан чиқиб кетмоқда, кишиларнинг турмуш шароитлари ёмонлашмоқда. Кейинги саккиз йилда шундай вазият Тунис, Ливия, Миср, Иордания, Сурия, Ироқ, Ливан, Яман, Афғонистон, Украина, Молдова ва бошқа мамлакатларда кузатилди ва кузатилмоқда. Мамлакатларнинг реал мустақиллигини асраш, уни геополитик кучлар таъсири остига тушиб қолишдан сақлаш масаласи барча давлатларнинг стратегик вазифасига айланмоқда.

Геополитик кучлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига ҳар сафар умумсайёравий таъсир кучига эга у ёки бу ижтимоий воқеа сабаб бўлади. Бундай воқеалар туркумига ижтимоий инқилоб, жамиятдаги иерархиянинг ўзгариши, жаҳон урушлари киритилиши мумкин. Бизнинг давримизда ана шундай жараён вазифасини 2008 йилда аввал АҚШда бошланиб, сўнгра бутун дунё мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўтади.

Умуман олганда, кишилиқ жамияти тарихида ижтимоий инқирозлар ниҳоятда кўп бора содир бўлган. Мутахассислар XX асрда юзага келган ўнга яқин инқирозни тилга оладилар. Бироқ улар орасида 2008 йилда бошланган ва асоратлари айрим мамлакатларда ва соҳаларда ҳанузгача тугал бартараф этилмаган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг кўлами, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий оқибатлари билан айрича аҳамият касб этди.

“Ҳозирги кунда, - деган эди, биринчи Президентимиз И.Каримов молиявий-иқтисодий инқирознинг илк даврида жаҳон иқтисодиёти сўнгги ўн йиллар давомида ривожланиш жараёнидаги энг қалтис даврни бошидан кечирмоқда. Жаҳон илк бор деярли барча мамлакатларга таъсир кўрсатган молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди.”[1:227] Мутахассислар мазкур инқирознинг турли сабабларини кўрсатадилар. Табиийки, молиявий-иқтисодий инқироз қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий омиллар таъсирида юзага келди. Улар орасида биринчи навбатда АҚШ ва Европа мамлакатлари фуқаролари орасида истеъмолчилик кайфиятининг илдиз отиб борганини кўрсатиш лозим.

Истеъмолчилик кайфиятининг вужудга келиши сабаблари Европа мамлакатларида XIX аср иккинчи ярмида содир бўлган ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ. Бу мамлакатларда кўрсатилган даврда аҳоли норозилигининг ошиб кетиши, фуқаролар турмуш даражасининг пасайиши нафақат ҳукмрон доираларнинг алмашинувида, балки жамият иерархиясининг ҳам ўзгача тус олишига сабаб бўлди. АҚШ ҳукумати, йирик компаниялар ва концерн эгалари бу жараёнлардан тегишли хулосалар чиқардилар. Улар фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини қондириш, уларни энг зарурий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бера бошладилар. Бундай индустриянинг вужудга келиши, бир томондан, мамлакатдаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан компанияларнинг даромадлари миқдорини ҳам оширарди. Бунинг натижаси ўлароқ XX аср бошига келиб, шу пайтга қадар санокли кишиларгина фойдалана олган маҳсулотлар кундалиқ истеъмол маҳсулотларига айланди. Масалан, Г. Форд заводларидаги линиялар минглаб автомобилларни ишлаб чиқара бошлади. 1909 йилда тайёрланган илк “Т” модели 900 доллар турган бўлса, ишлаб чиқариш технологияларининг муттасил такомиллашиб боргани туфайли 1916 йилга келиб бир дона автомобиль нархи 345 долларга тушди. Натижада илк бор оила йиллик даромадининг 10-20 фоизига харид қилса бўладиган маҳсулот оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланди. 1923 йилга келиб, “Форд” автомобили харид қилишнинг ҳафталик режаси” эълон қилинди. Унга кўра, ҳар бир талабгор ҳафтасига 5 доллардан тўлаб борар, зарурий маблағ тўланганидан сўнг автомобиль харид қиларди. Ушбу режа шарофати билан 131 минг нафар киши шахсий автомобиль эгасига айландилар. [2:91]

“Бунинг устига, Ғарбий Европа ва АҚШда кишиларнинг гедонистик интилишларини, истеъмолчилик кайфиятини оқловчи, улуғловчи таълимотлар ҳам ривожлана борди. Аниқ мақсадга бўйсундирилган фаолиятни ҳаётий стратегияга айлантириш, борлиқ асосларини





аниқлашга эмас, муаммовий ҳолатни бартараф этиш ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашиш имконини берадиган услубларни излаб топишга интилиш, ҳақиқатни маълум манфаатга бўйсунадиган нисбий тушунча деб билиш, шахс ижтимоий мақомини яхшилашга хизмат қиладиган оқилона этикадан фойдаланиш, шахс эҳтиёж ва манфаатларини бирламчи кадрят деб билиш – инструментализм, операционализм, прагматизм, позитивизм (кейинчалик неопозитивизм, пост-позитивизм) каби таълимотларнинг ушбу принциплари инсоннинг оламга истеъмолчилик муносабатини асослаб берди, истеъмолчилик кайфиятининг кенг илдиз отишига пойдевор яратди.” [3:91] Истеъмолчилик Ғарб олами турмуш тарзини белгиловчи асосий мезонга айланди.

Истеъмол маҳсулотлари индустриясининг шаклланиши, истеъмолчилик психологиясининг кенг тарғиб қилиниши Ғарб кишисини ҳамма нарсага истеъмолчилик муносабатида бўлишга одатлантирди, ҳатто маҳсулот нархи билан шахсий моддий-молиявий имкониятлар ўртасидаги номувофиклик ҳам уни истеъмолчиликдан тўхтата олмайдиган бўлди – бундай вазиятда унга ёрдамга келадиган сон-саноксиз кредитлар системаси шакллантирилди. Уй-жой, автомобиль, қимматбаҳо буюмлар, жиҳозлар, техника воситалари ва ҳоказо-ҳоказолар кредитга харид қилинадиган бўлди.

Фуқаролар уй-жойга бўлган эҳтиёжларини ҳам истеъмолчилик кайфияти нуқтаи назаридан баҳолайдиган ва қондирадиган бўлдилар. Шахс молиявий имкониятлари чекланган ҳолатларда бу эҳтиёжларни ипотека кредитлари эвазига қондириш борган сари авж олиб борди. Бунга жавобан АҚШ Федерал заҳира системаси 2000-2008 йилда истеъмолчиларга 500 дан ортиқ янги кредит шакллари таклиф этди, кредит олиш имконини берадиган баллар миқдорини 800 дан 500 га қадар туширди, ҳатто 14 ёшга етган йигит ва қизларга ҳам кредит олишга рухсат берди. Уй-жойга бўлган талабнинг бундай кўллаб-қувватланиши уй-жой бозоридаги нархларнинг узлуксиз ошиб боришига замин яратди. Масалан, Бостонда 2002 йилда уй-жойнинг 1 м/кв 3 минг доллар турган бўлса, 2005 йилга бориб, 10 минг долларга чиқиб кетди. Айни пайтда қурилиш компаниялари ҳам банклар томонидан кредит маблағлари билан етарли даражада таъминланиб бордилар. Охир-оқибатда 2008 йилга келиб уй-жой бозорида таклифнинг талабдан устуворлиги юзага келди. “Домино” принципига мувофиқ, бу ҳол банклардаги маблағларнинг қайтмаслигига, ликвидлик даражасининг тушиб кетишига, банкларнинг банкрот бўлишига, умуммамлакат миқёсидаги моливий инқирознинг бошланиб кетишига, инқирознинг молия соҳасидан иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетишига сабаб бўлди. Ярим йил ўтмасдан, АҚШ молиявий-иқтисодий инқирози бошқа мамлакатларни ҳам қамраб олди ва умумсайёравий тус олди. [4:41]

Инқироз аянчли оқибатларга олиб келди. Барча йирик банклар, улар изидан қолган инвестицион банклар ҳар қандай кредит беришни тўхтатдилар. Бу ҳам кўплаб йирик банкларни ҳалокатдан қутқара олмади: бирин-кетин мазкур молиявий институтлар ўзларини банкрот деб эълон қила бошладилар. Тез орада инқироз молиявий соҳадан иқтисодиётга ўтди. Ишлаб чиқаришга, истеъмол маҳсулотларига ажратиладиган кредитлар миқдорининг кескин камайиши кўплаб гигантлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, автомобиль харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг тўхтатилиши Опель ва Форд каби автогигантлардаги ишлаб чиқариш ҳажмларининг сезиларли қисқаришига олиб келди. Молиявий инқироз анъанавий энергия манбалари бозорига ҳам таъсир кўрсатди: жаҳон бозорида 1 баррель нефтнинг нархи 147 доллардан 40 долларга қадар тушиб борди.

Энг эътиборлиси, молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон иқтисодий кўр-саткичларининг пасайишига замин яратди. Масалан, жаҳон савдоси 2008-2009 йилларда 10 фоизга қисқарди. [5] Барча ривожланган мамлакатларда ялпи миллий даромаднинг камайиши кузатилди.

Инқироз ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига, кейин эса ижтимоий муаммоларнинг авж олишига олиб келди. Ҳатто АҚШ, Канада, Германия, Италия, Англия, Франция, Япония каби ривожланган мамлакатларда ҳам инқироз оқибатида фуқароларнинг реал даромадлари миқдори пасая бошлади, кўплаб ижтимоий дастурларнинг бажарилиши вақтинча тўхтатилди,





фуқароларнинг мавжуд вазиятдан норозилиги кучайди, ишсизлик даражасининг ошиши кузатилди. Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларда эса вазият мисли қўрилмаган даражада кескинлашди.

Ана шундай бир вазиятда ривожланган мамлакатлар орасида инқироз оқибатларидан қутулиш учун жаҳонда мавжуд бўлган иқтисодий, молиявий, айниқса энергетик ресурслардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш, жаҳондаги вазиятни ўз манфаатларига мос тарзда ўзгартиришга уриниш кайфияти кучайди. Геополитик майдондаги кучлар нисбати, геополитик блоклар ўртасидаги рақобатни тубдан ўзгартирди. Бугунги кунда бу рақобат жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Қизиғи шундаки, геополитик кучлар ўз манфаатларини рўёбга чиқариш билан чекланмасдан, уни замонавий тарғибот омиллари ва воситалари ёрдамида асослаб беришга интилмоқдалар. Батафсил таҳлил бу тенденцияни чуқурроқ илғаб олишга имкон беради.

Иқтисодиёт соҳасидаги геополитик рақобат. Бу соҳадаги геополитик рақобатнинг мақсади жаҳондаги иқтисодий лидерликни қўлга киритишдан иборатлигича қолмоқда. Молиявий-иқтисодий инқироз, биз таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатларнинг иқтисодий имкониятларига салбий таъсир кўрсатди, иқтисодий рецессияни бошлаб берди. Натижада геополитик кучлар ўртасида жаҳондаги иқтисодий лидерлик учун кураш янги паллага кирди. Жаҳон иқтисодиётида етакчилик қилиш учун иқтисодий ўсишни таъминлашга қодир барча манбалардан унумли фойдаланиш керак, албатта. Дарҳақиқат, иқтисодий тараққиёт ва фаровонликнинг асосий манбаи табиий ресурслардир. Бунинг устига, табиий ресурсларга эга бўлган давлат жаҳон иқтисодиётида ҳам мустақкам мавқега эга бўлади. Шунинг учун молиявий-иқтисодий инқироздан кейинги даврда иқтисодиётдаги геополитик рақобат айниқса табиий ресурслар - нефть, газ, сув, ҳосилдор ер учун курашда яққол намоён бўлди. Табиий ресурсларни қайта бўлиб олишга, уларни арзон-гаровга харид қилиш имконини берадиган механизмларни жорий қилишга интилиш, табиий ресурсларга бой мамлакатларни (Венесуэла, Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Қувайт, Сурия, Ливия, Нигерия ва бошқалар) ўз таъсир доирасига олишга уриниш кучайди. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий тараққиёт манбаи деб қаралган табиий ресурс ривожланаётган мамлакатлар учун том маънода ижтимоий-сиёсий муаммога айланди.[6]

Иқтисодий лидерлик учун кураш табиий ресурсларга эгалик қилишга интилиш билан интиҳо топаётгани йўқ. Табиий ресурслар бозоридан муҳолиф кучларни сиқиб чиқаришга интилиш ҳам жаҳон иқтисодиётида етакчилик қилиш илинжидан ўзга нарса эмас. Бунинг учун турли мамлакатларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш тажрибаси амалга оширилмоқда. Масалан, кейинги 30 йилда Куба, Венесуэла, Эрон, Шимолий Корея ва бугунги кунда Россия каби мамлакатларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилди ва қўлланилмоқда. Мазкур санкциялар натижасида, бир томондан жаҳон нефть ва газ бозоридаги мувозанат тубдан ўзгарган бўлса, иккинчи томондан мазкур мамлакатларнинг иқтисодий потенциалига жиддий зарар етказилди. Энг ташвишланарлиси, жаҳон бозоридаги табиий ресурсларнинг нархи у ёки бу геополитик кучнинг манфаатларига монанд равишда тез ўзгарувчан характер касб этди.

Кўриниб турибдики, иқтисодиётдаги геополитик рақобат ниҳоятда мураккаб характерга эга. Бу жараёнда тарғибот системаси имкониятларидан са-марали фойдаланилаётгани эса вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Янги аср бошларига келиб, иқтисодиёт ва тарғибот уйғунлашиб кетди. Тарғибот геополитик кучларнинг жаҳон иқтисодий саҳнидаги позицияларини асослаб беришга, улар учун мақбул бўлган иқтисодий муносабатларни улуғлашга хизмат қилувчи воситага айланди.

2. Сиёсат соҳасидаги геополитик рақобат. Бу соҳадаги геополитик рақобатнинг асосий мақсади жаҳон сиёсий харитасини ўз сиёсий тасаввурлари, қадриятлари ва манфаатларига мос равишда қайта тузишдан иборат. Молиявий-иқтисодий инқироздан кейинги даврда геополитик рақобатнинг бу соҳаси қизгин паллага кирди. Турли геополитик кучлар жаҳондаги давлатларнинг асосий белгилари, шакли, сиёсий режимини ягона стандарт асосида ўзгартиришга интила бошладилар. Бироқ масаланинг моҳияти шундаки, ҳар бир





геополитик кучнинг бу борада ўз стандартлари мавжуд. Давлат томонидан улардан бирининг қабул қилиниши иккинчи томоннинг эътирозига ва бу эътироз оқибатида келиб чиқадиган салбий муносабатларга сабаб бўлади.

Кескин геополитик рақобат авж олган бир шароитда тарғибот турли геополитик кучларнинг давлат белгилари, шакллари, сиёсий режимини сингдирувчи омилга айланмоқда. Янги асрда тарғибот турфа геополитик блокларга хос бўлган сиёсий система ҳақидаги қарашлар, ҳуқуқий нормалар, халқаро сиёсий муносабат принциплари, демократияни экспорт қилувчи восита вазифасини ўтамоқда.

3. Ижтимоий соҳадаги геополитик рақобат. Бу соҳадаги геополитик рақобатнинг асосий мақсади турли мамлакатларнинг халқларида мақбул турмуш тарзини шакллантиришдан иборат. Молиявий-иқтисодий инқироз геополитик рақобатнинг бу соҳасини ҳам жадаллаштириб юборди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у ёки бу халқда муайян турмуш тарзини шакллантириш орқали маълум маҳсулотларга, хизматларга бўлган эҳтиёжни вужудга келтирса бўлади. Бу эҳтиёж, ўз навбатида, геополитик кучларга иқтисодий даромад, сиёсий дивиденд олишга пойдевор яратади.

Турмуш тарзи деганда шахс, ижтимоий гуруҳ ёки халққа хос бўлган ҳаёт ва фаолият шакли тушунилади. У мазкур субъектларга хос хулқ-атвор, ўзаро муносабат, тафаккур тарзини ўзида мужассам қилади. Турмуш тарзи табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мос бўлиб, тарихий тараққиёт давомида шаклланиб ва ўзгариб боради. Унинг ўзгаришига сабаб бўладиган аниқ омиллар мавжуд. Масалан, меҳнат анъаналари ва меҳнат қилиш учун мавжуд бўлган шарт-шароитлар, миллатга хос бўлган таълим шакли ва мазмуни, оилавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари, маиший ҳаёт тарзи ва шу кабилар турмуш тарзини шакллантирувчи ва ўзгартирувчи омиллар туркумига киради. Шунингдек, ушбу омилларнинг ўзгариши турмуш тарзининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Масаланинг моҳиятига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, янги асрда геополитик кучларнинг айнан ана шу омилларга таъсири кучайганига амин бўламиз. Бошқача айтадиган бўлсак, турли халқларнинг турмуш тарзини мақбул равишда ўзгартиришни ният қилган геополитик кучлар бу ишни меҳнат, таълим, оилавий турмуш, маиший ҳаёт стандартларини ўзгартиришдан бошламоқдалар, бу борада ўзаро рақобат ҳам қилмоқдалар.

Ғарбона оилавий ҳаёт стандартларининг жорий қилиниши, айниқса, агрессив тус олмақда. Ғарбда оила институти инқирози содир бўлаяпти. Фуқаролик никоҳлари, шведча оилалар, бир жинсли оилалар, ажралишлар тобора кўпаяпти. Лекин Ғарб сиёсатдонлари, жамоатчилик етакчилари бундай вазиятни фуқаро эркинлиги ифодаси деб талқин қилмоқдалар. Бунинг устига, фуқаролик никоҳи, айниқса бир жинсли оилаларни демократия мезони сифатида эътироф этиш одат бўлмоқда. Гўёки шундай оилалар тузиш учун имкониятнинг яратилганлиги жамиятда демократиянинг қарор топганидан далолат берар эмиш. Соғлом позициядан билдирилган мулоҳазалар эса [7] бундай айю-ҳаннос орасида йўқ бўлиб кетмоқда.

4. Мафкуравий соҳадаги геополитик рақобат. Бу соҳадаги геополитик рақобатнинг асосий мақсади мафкуравий ва ғоявий гегемонликка эришишдан иборат. Геополитик кучлар мафкуравий гегемонликка эришиш мақсадида нафақат ўзларига хос бўлган турли ғоя ва таълимотлар, анъана ва қадриятларни тарғиб қилмоқдалар, балки турли мамлакатларни ижтимоий тараққиётдан бенасиб қилишга, миллий маънавияти ва мафкурасини емиришга хизмат қиладиган вайронкор ғояларнинг тарқалишига ҳам замин яратмоқдалар.

Ғарб дунёсига хос бўлган ғояларни тарғиб этишнинг фаоллашиб бораётгани алоҳида диққатга сазовор. Айниқса, мазкур жамият ҳаётида марказий ўрин тутган ғоялар – индивидуализм ва эгоцентризм ғоялари кенг тарғиб қилинмоқда. Хусусан, Ғарб жамиятида шахс индивидуаллиги, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, эҳтиёжи ва манфаатлари устуворлиги масалалари асрлар давомида фаол муҳокама этиб келинди. Бироқ бу мулоҳазалар узоқ муддат ижтимоий тараққиёт характери ва мўлжалларига жиддий таъсир кўрсатмайдиган назарий фикрлар мажмуи бўлиб қолди. Янги замонга келибгина индивидуализм шахсий фаровонликни таъминловчи ягона ғоя сифатида жамият турмушига





таъсир ўткази бошлади. Йигирманчи асрда индивидуализм Ғарб жамияти ижтимоий ҳаёти ва иқтисодийнинг мафкуравий асосига айланди. Бутун жамият ҳаёти шу ғоя асосида ташкил қилинди. Бунинг оқибати ўлароқ, бир томондан, шахс турмуши фаровонлиги ошган бўлса, иккинчи томондан, қатор ижтимоий иллатлар юз кўрсата бошлади. Масалан, индивидуализм ғояларига асосланган турмуш ёлғиз яшовчи кишилар сонини кўпайтириб юборди, шахс мулоқотлари доирасини торайтирди, Ғарб оиласининг таркибини ўзгартирди, шведча оила, бир жинсли оила каби оиланинг ақлга сиғмас шакллари юзага келтирди. Айтиш мумкинки, индивидуализм Европа жамияти турмушини муаммолар ботқоғига ботирди. Шунга қарамадан, Қитъа мамлакатларининг ҳукмрон доиралари, илм-фан, санъат ва жамоатчилик вакиллари индивидуализмни энг инсонпарвар ғоя сифатида улуғлашдан чарчамаяптилар. Боз устига, ушбу ғоялар билан суғорилган асарлар, суратлар, фильмлар, мақолалар, кўрсатувлар яратишни қанда қилмаяптилар. Бу маҳсулотлар эса геополитик кучлар кўлида ғоявий-мафкуравий тарғибот қуролига айланмоқда. Бу тарғибот қуроли миллатимизга хос бўлган жамоавийлик ва ҳамжихатлик руҳига путур етказишга, қадим-қадимдан қадрлаб келинган оила институтини емиришга, жамиятдаги жараёнларга бефарқ бўлган кишилар сонини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Геополитик кучларнинг асл мақсад-муддаоси ҳам ана шундан – маънавий-мафкуравий бошбошдоқликни вужудга келтириш ва вужудга келган бўшлиқни ўз ғояси, мафкураси билан тўлдиришдан иборат.

Эгоцентризм, зўравонлик, ахлоқий бузқлик, цинизм, бефарқлик ва бошқа ғояларнинг тарғиб этилиши ҳам шу мақсад-муддаоларга хизмат қилмоқда ва шунга ўхшаш сценарийда амалга оширилмоқда.

Ғарб дунёсига хос бўлган ғоя ва мафкураларнинг тарқатилиши мафкуравий соҳадаги геополитик рақобатнинг ягона йўналиши эмас. Бундан ташқари, биз таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатларни ижтимоий тараққиётдан бенасиб қилишга, миллий маънавияти ва мафкурасини емиришга хизмат қиладиган вайронкор ғояларнинг тарқалишига замин яратилаётганига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу ғоялар ичида экстремизм, миллатчилик ва социал-дарвинизм ғоялари тарқатилиши ўзининг кўлами билан ажралиб туради.

Экстремизм ғоялари тарғиботи тобора системавий ва таъсирчан характер касб этаётгани кишини ташвишлантиради. Биргина “Ислом давлати” номи билан фаолият олиб бораётган террористик ташкилотнинг тарғибот системасига назар ташлайлик. Бу тарғибот ўз ғояларини тарқатиш ва тарафдорлар тўплашга йўналтирилган фаолиятни ўзида мужассам қилади. Ташкилотда тарғибот ишларини амалга ошириш учун махсус марказ ташкил этилган. Брукинг институти тадқиқотчиларининг маълумотларига қараганда, бу марказ фаол ва профессионал фаолияти билан ажралиб туради. Унинг таркибида “Ал-Фурқан” ахборот бюроси, “Ал-Иътисом медиа” видеомаҳсулотлар ишлаб чиқариш студияси, “Ал-Ҳаёт” хорижий тилларда материаллар тайёрлаш бюроси, “Ал-Аждад медиа” кўшиқлар ва шеърлар тайёрлаш студияси, “Фурат медиа” Марказий Осиё мамлакатлари учун материаллар тайёрлаш бўлими мавжуд. Марказ томонидан биргина 2014-йилнинг охириги чорагида Интернетдаги 46 мингдан ортиқ akkaунтда 5 миллиондан кўп постлар эълон қилинган. Ғайриинсоний ғояларни тарғиб қилиш мақсадида тайёрланган материаллар (масалан, “Қиличлар зарби” фильми) ўзининг юқори савияси билан характерланади. [7] Тарғибот ишларининг бир неча тилда, турли услуб ва усулларда олиб борилаётгани ҳам диққатни тортади. Кейинги йилларда мазкур террористик ҳаракат инқирозга юз тутганига қарамадан унинг тарғибот системаси ўз фаолиятини сусайтиргани йўқ. Табиийки, ҳеч қандай молиявий таъминотга ва мутахассислар гуруҳига эга бўлмаган, ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилмаган террористик ташкилотнинг ўзи ўз кучлари билан бундай тарғибот системасини шакллантиришга қодир эмас. Бундай система манфаатдор томонларнинг моддий-молиявий, илмий-услубий, ташкилий ёрдами билан фаолият олиб бораётгани аниқ.

Хулоса қиладиган бўлсак, 2008 йилда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз турли геополитик блоklar ўртасидаги ўзаро рақобатни бениҳоя кучайтирди. Асл муддаолари жаҳондаги етакчилиқни кўлга киритиш, глобал жараёнларни ўз манфаатларига мутаносиб равишда ўзгартиришдан иборат бўлган геополитик кучлар янги асрда тарғиботни геополитик





мақсад-муддаоларга эришиш воситаси сифатида қабул қила бошладилар. Чунончи, иқтисодий рақобатда тарғибот геополитик кучларнинг жаҳон иқтисодий сахнидаги позицияларини асослаб бериш воситасига, сиёсий рақобатда - уларнинг давлат белгилари, шакллари, сиёсий режимини сингдирувчи омилга, ижтимоий рақобатда - уларга мақбул турмуш тарзини тарғиб қилиш каналига, мафкуравий рақобатда - улар манфаатдор бўлган ғоя ва таълимотлар, анъана ва қадриятларни тарқатувчи кудратга айлантирилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига.// Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ж.17.- Т.:Ўзбекистон,2010.- Б.227.
2. Худойбердиев Д. Истеъмолчилик психологияси: шаклланиши тарихи.// ҚарДУ хабарлари, 2017,№1.- 91-б
3. Чориев С. И. Каримов асарларида ҳозирги замондаги геополитик мақсад-муддаолар талқини.//Ислом Каримов сабоқлари.- Қарши: ҚарДУ,2017.- 40-41-бб.
4. Қаранг: Объем мировой торговли достиг докризисного уровня.// m.rosbalt.ru, 2011, 24 февраля.
5. Қаранг: Какурин В.Ю., Трудов А.Э. Борьба за ресурсы в современном мире.// <https://www.scienceforum.ru>.
6. Қаранг: Бьюкенен П. Ғарбнинг ҳалокати:ўлимга маҳкум миллат.// ziyouz.uz.
7. Қаранг: Пропаганда “Исламского государства”.// <https://ru.wikipedia.org>.
9. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
10. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
11. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
12. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
13. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
14. Mamasaliev M. M., Elboeva S. B. RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL DOCTRINES OF SARVERALLI RADHAKRISHNAN //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 339-342.
15. Мамасалиев М. М., Бўриев И. И. Информационная безопасность учащихся-одно из основных направлений деятельности педагога //Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования. – 2019. – С. 188-190.

